

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

О‘ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

3 / 2019

МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик

И.Ҳаққул. Абдулла Орипов шеъриятида маломатийлик мотивлари	3
Ш.Аҳмедова. Матёқуб Қўшжоновнинг адабий портрет яратиш маҳорати.....	9

Тилшунослик

Д.Худойберганова. Лингвокультурологияда маданий код тушунчаси ва талқини	15
Д.Лутфуллаева. Расмий иш ҳужжатлари матнида прагматик мақсаднинг ифодаланиши.....	19
Ё.Одилов. Публицистик матн ва тил бирликларида маъно тараққиёти.....	25

Илмий ахборот

Ҳ.Мирҳайдаров. Улугбек даври ўзбек адабиётига доир.....	31
А.Қурбонов. Навоий ижодида “кўнгул” талқини.....	36
Б.Ражабова. Навоий эътироф этган шайх ва шоира	44
Қ.Йўлчиев. Лирик хронотопнинг шеър матнидаги ўрни	49
Н.Алламбергенова. “Алпомиш” достони ўзбек-қорақалпоқ версияларида сажъ.....	52
Т.Хўжаев. “Хамса”да “оби ҳаёт” билан боғлиқ тушунчалар талқини	55
Г.Раҳимова. Навоий шеъриятидаги баъзи образлар поэтикаси	59
М.Насретдинова. Америкалик ўзбекшунос олима	62
А.Сейтбеков. Қорақалпоқ адабиётида жанрлар муносабати.....	66
Ф.Бурҳонова. Бадиний талқинда анъана ва ўзига хослик	69
Д.Хурсанов. Лирикада макон хусусиятлари.....	74
К.Шаҳобов: “Олабўжи” романида авлодлараро муносабатлар талқини	79
Т.Сайдалиев: Отабек образининг айрим қирралари ҳақида	81
М.Холматова. Эркин Аъзам фикралари.....	85
У.Маҳмудов. “Мажолис ун-нафоис”да Абдуллоҳ Марворид ҳақида.....	89
Т.Чориев. Жомий ва Навоий шеърларида маънодош сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	92
Р.Давлатова. Ўзбек тилида макон дейксисининг ифодаланиши	98
З.Муқимова. Ўткир Ҳошимов асарларидаги айрим ономастик бирликлар лингвопоэтикаси	102
Ш.Махмараимова. Ўзбек тилида метафоранинг номинатив функцияси.....	105
И.Холмуродов. Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий- этноцентриқ таҳлили	110
✓ Д.Муҳаммадиева. “Бобурнома”даги умр ва ўлим концептлар паремалар хусусида	112
М.Шамсиева. Ўзбек ва рус халқ мақолларидаги “бахт” ва “бахтсизлик” концептларининг қиёсий таҳлили.....	115
Ж.Холмуродова. Сўзда номинатив маънонинг ифодаланиши.....	117
Ф.Каримова. Диалогик нутқнинг миллий-маданий хусусиятлари	120
Д.Ҳасанова. Этносоциал тафаккур ва унинг лисоний ифодаланиши	123
Янги нашрлар	125

Танқид. Такриз. Библиография

Илмий ҳаёт

Илмий-назарий анжуманлар.....	127
Иброҳим Ҳаққулнинг 70 йиллиги.....	128

RESUME. The article gives a brief overview of some of the toponyms (locations) in South Karakalpakstan, their ethnogenetic and historical origin.

Таянч сўз ва иборалар: топоним, топонимия, этногенетика, объект.

Ключевые слова и выражения: топоним, топонимия, этногенетика, объект.

Key words and word expressions: toponym, toponymy, ethnogenetic, object.

Дилафрўз МУҲАММАДИЕВА

“БОБУРНОМА”ДАГИ УМР ВА ЎЛИМ КОНЦЕПТЛАРИ ПАРЕМАЛАР ХУСУСИДА

Паремалар лексик бирликларга нисбатан мураккаб компонентли лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли уларни таржимада ифодалаш ҳам таржимондан алоҳида масъулият талаб қилади. Чунки паремалар асардаги бадий-тасвирий воситалар сифатида фикрнинг оддий баёнидан кўра кўпроқ асарнинг образли ҳамда ҳиссий-тасвирий қийматини ошириш каби услубий ўзига хосликларни ифода этишда иштироқ этади. Шунинг учун пареманинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни мақсадга мувофиқ таржима қилишга интилиш бадий асарни қайта яратишга тенгдир. Аслият ва таржима тиллари мақол ва маталларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва таржима жараёнида уларнинг бирини иккинчиси воситасида талқин этиш йўллари ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржима яратиш учун замин ҳозирлайди.

Марг бо ёрон сур аст (Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир) мақоли¹ ҳижрий 912 (1506–1507) йилда Бобур Мирзонинг навкарлари билан қаттиқ қор бўронида қолиб кетганлиги ва бу пайтда ўзи ҳам қўл остидагиларига қарашиш учун қор кураганлиги воқеасини баён қилиш муносабати билан тилга олинган. *Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форсий масал бор: Марг бо ёрон сур аст*².

Марг бо ёрон сур аст матали туркчага *Dostlarla beraber ölüm düğündür* (Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир) тарзида таржима қилинади³. Таржимон ушбу матал таржимасини сўзма-сўз тарзда бериш орқали ифодалайди.

*... ne gibi iztirap ve meşakkat olursa: ben de görevim ve halk nasıl tahammül edip duruyorsa ben de durayım diye düşündüm. Farsça bir mesel vardır; Dostlarla beraber ölüm düğündür*⁴.

Мақоллар ва маталларни ўгириш жараёни таржима амалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бунда таржимондан зийраклик ва катта маҳорат талаб

¹ Ушбу паремани Бобурнинг ўзи “масал” деб атайди. “Масал” ўзбек адабиёти тарихида мақол маъносида қўлланган.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. 147-бет.

³ “Бобурнома” таржимони Р.Р. Арат таржима жараёнида асардаги ҳар бир пареманинг дастлаб эски ўзбек ёзувидаги шаклини келтиради, мазмунини эса қавс ичида туркча алифбода беради. С.Ҳасанов томонидан тайёрланган “Бобурнома”нинг ўзбекча илмий-танқидий матнида ҳам маталнинг форсча шакли қолдирилган, мазмунини эса ҳавола (тагсаҳифа)-да изоҳланган.

⁴ Gazi Zahiriddin Muhammad Babur. Vekayi. Babur'un hatıratı. Cilt II. Ankara, 1987. S. 214.

қилинади. Чунки айнан мақол ва маталларнинг таржимасини чиройли ёритиб бера олмаслик бадий асар мазмунига путур етказиши мумкин. Аммо юқоридаги маталнинг сўзма-сўз таржимасидан асарнинг бадийлигига путур етмайди, аксинча, унинг китобхонга тушунарлилик даражаси ортади. Эҳтимол, уни турк тилидаги бошқа бир мақол билан берганда бундан ҳам чиройлироқ, образлироқ чиққан бўлар эди.

Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини афоризми Иброхим Лудийнинг онаси малика Буъа (Байда) томонидан Бобур Мирзонинг захарланиши воқеаси тафсилотлари давомида келтирилган. Бу ҳикматли сўз Бобур руҳиятини тасвирлашга хизмат қилган. Ўлар ҳолатга етган инсоннинг кўнгила кечинмалари ўз ифодасини топган. Жон мундоғ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: *“Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини”*. Ҳар қачон бу воқеъайи ҳоила хотиримга келса, беҳосот ҳолим мутагайийур бўлур⁵.

Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини афоризми *canın kadrini ölmek üzere olan kimse bilir* тарзида таржима қилинади. Аммо бу ерда ўзбекча матндаги кўшма гап содда гап тарзида берилган, шеърний оҳанг ҳам бузилган. *Can böyle aziz bir şey imiş böyle oldugunu bilmezdim. Bir misra vardır; canın kadrini ölmek üzere olan kimse bilir*⁶.

Паремалар кўп маъноли ва кўп вазифали бирликлардир, мазмун жиҳатидан мос икки тил бирликлари таржимада ҳар доим ҳам бир-бирига тўлиқ мос келавермайди. Муайян матндаги паремалар мазмуни фразеологик эквивалентлар, мақоллар ёки муқобил вариантларда ўз ифодасини тўлиқ топмаслиги мумкин. Юқоридаги мисолда айти шу ҳолат кўзга ташланади.

Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхши афоризми хижрий 933 (1526–1527) йилда Бобур Мирзонинг аскарларига сўзлаган нутқида келтирилади. Бу афоризм орқали у барчани бирдамликка, бир ёқадан бош чиқариб, ёвга қарши бир жону бир тан бўлиб курашишга, душманга таслим бўлиб, шармандаликка йўл қўймасликка чақиради. Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидан ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё гамхонасидин кечгусидур. *Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ*⁷. Бобур ўлимнинг ҳақ эканлиги, тирик мавжудотнинг охир-оқибат ҳалокатга маҳкумлигини таъкидлайди. Шундай экан, аскарларини шу қисқа умрлари давомида гурурларини сақлаб қолишга, душманга қарши жанг қилишга, ўзларидан шарафли ном қолдиришга даъват этади.

Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхши афоризми турк тилига *Kötü adla yaşatıktansa iyi adla ölmek daha iyidir*⁸ тарзида таржима қилинади. Бу ерда афоризм ҳеч бир ўзгаришсиз турк тилига ўтирилганини кўришимиз мумкин. Шу мақолнинг мантиқий давоми бўлган *Зикри номеро ҳақимон умри соний гуфтаанд* (Шухрат билан ёдланишни ҳақимлар иккинчи умр демишлар) афоризми теурий шахзодалар Шайбонийхонга қарши бирикаётганда Кепак Мирзонинг аҳдига вафо қиламай келмаганлиги воқеасини ёритиши жараёнида келтирилган. *Гаралким бу дунёда кишидон*

⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 218-бет.

⁶ Gazi Zahiriddin Muhammad Babur. Vekayi. Babur'un hatıratı. S. 347.

⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 223-бет.

⁸ Gazi Zahiriddin Muhammad Babur. Vekayi. Babur'un hatıratı. S. 357.

ушмундог нималар қолур, ҳар ким ақлдан баҳравар бўлса, нега андог ҳаракатга иқдом қилгайким, андан сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига хушдин асари бўлса, нега андог амрга иқдом ва эҳтимом қилмагайким, қилгондин сўнг муҳташсан дегайлар: Зикри номеро ҳақимон умри соний гуфтаанд⁹.

Зикри номеро ҳақимон умри соний гуфтаанд (Шухрат билан ёдланишни ҳақимлар иккинчи умр демишлар) матали *ismin zikr edilmesine hekimler ikinci bir ömür adını vermişlerdir*¹⁰ тарзида ўгирилган. Бу таржимада сўзлар ва грамматик шакллар алмашган. Яъни туркча таржимани сўзма-сўз ўзбекчага ўтирсак: *Исмини зикр этишларига ҳақимлар иккинчи умр отини берганлар. Шухрат билан ёдланиши – исмини зикр этиши; ёдланишни – зикр этишларига; демишлар – отини берганлар* бирликлари билан ифодаланган.

Биз таҳлилгатортган мисолларнинг барчаси турк тилида тайёртил бирлиги сифатида матндан ажратилади, аммо ўзбекча манбаларда ҳаммасиям парема сифатида тадқиқ этилмаган, улардан иккитаси “Бобурнома”нинг охирида масал ва ҳикматли сўзлар сифатида келтирилади (*Зикри номеро ҳақимон умри соний гуфтаанд (ismin zikredilmesine hekimler ikinci bir ömür adını vermişlerdir)*, *Марг бо ёрон сур аст (Dostlarla beraber ölüm düğündür)*, “Бобурнома”даги фразеологик бирликлар ва паремаларнинг инглизча таржималари” лугатида фақат биттаси (*Марг бо ёрон сур аст*) мавжуд. Биз қиёслаётган асарларда *Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхши* афоризми тадқиқ этилмаган.

Мақол, матал ва афоризмлар маъно, шакл ва функционал жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Шунини айтиб ўтиш керакки, кўплаб паремаларнинг ҳар хил тиллардаги шаклларида ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатдан ёки умумий бажараётган функцияларида ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади. Шу билан бирга, баъзи бир паремаларни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришда айнан муқобилини топиш қийин бўлади. Шунда изоҳлар ёки иккинчи бир адекват вариантга мурожаат қилинади. Мақол ва маталлар аслидек таржима қилинса, баъдий матн бўёқдорлиги ошади. Чунки мақол учун асос бўлган сўз таржима қилинган чоғда ҳам фикр ифодасида чалкашликлар юзага келади. Мақол объектини ҳамиша сақлаш кўп ҳолларда ғализликларга олиб келсада, уни миллий анъанавий бирикмалар билан алмаштиришда ҳам асардаги маълум компонентларнинг бузилиш ҳоллари кузатилади. Биз таҳлил қилган бирликлар ўзбек тилидан миллий маданияти муштарак бўлган турк тилига таржима қилингани учун ғализликлар, мазмундан четга чиқиш ҳолатлари таҳлил қилинган мисоллар доирасида кузатилмади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада “Бобурнома” асарида қўлланган *ўлим ва умр* концепта паремалар ва уларнинг туркча таржималари ҳақида сўз юритилади. Ҳар бир пареманинг қўлланиши ўрни, таржимадаги ютуқ ва камчиликлар, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассмотрены поговорки в “Бабурнаме” с содержанием концепта *жизни и смерти* и их турецкие переводы. Изучены особенности использования каждой поговорки, успехи и недостатки в переводе последних, а также общие и дифференциальные признаки парем.

REZUME. This article discusses the proverbs used in “Baburname”, containing the concepts of *life and death*, as well as their recreation in Turkish translations. It studies the importance of using each proverb, the successes and flash in their translations, as well as the similarities and differences observed in them.

⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 142-бет.

¹⁰ Gazi Zahiriddin Muhammad Babur. Vekayi. Babur'un hatirati. S. 204.

Таянч сўз ва иборалар: концепт, парема, афоризм, мақол, аслият, таржима.

Ключевые слова и выражения: концепт, парема, афоризм, пословица, оригинал,

перевод.

Key words and word expressions: concept, parem, aphorizm, proverb, original, translate.

Манзура ШАМСИЕВА

ЎЗБЕК ВА РУС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАГИ “БАХТ” ВА “БАХТСИЗЛИК” КОНЦЕПТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Мақоллар халқ ҳаётини, ахлоқ-одоб қоидалари, олам, инсонлар, уларга муносабат ҳақидаги тасаввурларни акс эттиради. Мақол, маталларда ифодаланган олам манзарасининг тадқиқида антропоцентриқ хусусиятни ҳисобга олиш лозим. Мақолларда инсон, унинг дунёқараши, шахсининг психологик хусусиятлари тавсифи билан бевосита боғлиқ бўлган воқелик ифодаланади. Шунингдек, мақоллар таҳлили тадқиқ қилинаётган концептларнинг когнитив белгилари, *бахт* ва *бахтсизлик*нинг “табиати ва хусусияти”, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, талқин қилинаётган концептларнинг хулосаларида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятлар, парадоксларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Мақоллар таркибий-семантик тузилишининг комплекс таҳлилида ундаги бир ёки бир нечта концептларнинг мазмуни ҳисобга олинади. Масалан: “Бахтсизлик орқасидан бахт кириб келади” мақолининг мазмуни “умид”, “ишонч”, “сабр”, “тақдир” каби турли концептлар билан боғлиқ.

“Бахт” маданиятнинг аҳамиятли концептларидан бири ҳисобланади ва *давлат*, *пешонаси ялтирамоқ*, *тонг*, *тақдир*, *омад* маънолари билан метафорик муносабатни ҳосил қилади: *Давлат қочар, меҳнат қувар; Йигит бошидан давлат йироқ эмас; Камбагал қиз қалтирайди, Пешонаси ялтирайди; Ҳар оқшомнинг бир тонги бор*. Бу концептлар ўзида моддий ва маънавий жиҳатларни акс эттирадиган ижтимоий концепт ҳисобланади.

Ўзбек халқ мақолларида “бахтсизлик” концепти *оқшом*, *қоронги кун*, *қор*, *ёмғир*, *тун* сўзлари; *шўри қуримоқ*, *ови юрмаслик* каби иборалар билан ифодаланиб, метаболаларга асос бўлади: *Ҳар оқшомнинг бир тонги бор; Қоронгу кун мангу бўлмас; Оқ кунда оқарарсан, Қора кунда қораярсан; Қудуқ тубига кун тушмас; Қордан қутулган, ёмғирга тутилар; Шўрга тушган шўри қурир*¹.

Рус халқ мақолларида “бахтсизлик” концепти *қоронги тун* маъносида Ўзбек мақоллари билан мувофиқ бўлади: *Темна ночь не навек (Қоронги тун бир асрга эмас)*; шунингдек, фасллар билан ифодалаш орқали ҳам метафорик маъно ифодаланиши кузатилади: *Проглядывают летние деньки и по осени (Кузда ҳам ёз кунлари учраб туради)*.

Метафора мақолларнинг семантик маркази бўлиб, этномаданий метаболаларнинг қўлланиши мақолларни образли қилади. У мазкур тил жамятининг қадриятлар тизими инъикоси саналади.

Бахтсизлик/несчастье ядер лексемалари синонимик қаторида семантик коррелятив жуфтликлар кузатилади: *горе/қайгу*, *печаль/ҳасрат*, *гам/беда/фалокат*, *обида/ранж-алам* тарзида.

¹ Мирзаяев Т. Ўзбек халқ мақоллари изоҳли лугати. Тошкент: Шарқ, 2012. 512-бет.